



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

# ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ

ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ ҲАМДА  
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ФОРУМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИДАН

**ИҚТИБОСЛАР**

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН  
ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!**



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

---

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг  
Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда Ўзбекистон ёшлари  
форумида сўзлаган нутқидан иқтибослар)*

УЎК 323(575.1)  
КБК 66.3(5Ўзб)  
Ў 32


Ў 32 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг  
Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда Ўзбекистон ёшлари  
форумида сўзлаган нутқидан иқтибослар [Матн] :  
публицистика. – Тошкент: ТАСВИР нашриёт уйи, 2021. – 52 б.  
ISBN: 978-9943-6677-2-3

УЎК 323(575.1)  
КБК 66.3(5Ўзб)

Ушундук аягыбызга жүшү урген заман...



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ  
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ  
ОЛИЙ МАЖЛИСГА  
МУРОЖААТНОМАСИДАН  
ИҚТИБОСЛАР**



## Улуғ халқ қудрати жўш урған замон...

Халқимизнинг букилмас иродаси, фидокорона меҳнати ва матонати, аҳоли ва давлат органларининг биргалиқдаги саъй-ҳаракатлари туфайли мавжуд қийинчиликларни мардона енгиб ўтмоқдамиз.


\*\*\*

Халқаро валюта жамғармаси ва халқаро рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, бу йилги синовларга қарамасдан, Ўзбекистон дунёнинг sanoқли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди.

\*\*\*

2020 йил республикамызда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар ҳамда инфратузилма объектлари барпо этилди. Жумладан, “Навоийазот”да аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси ҳамда азот кислотаси заводи, Муборак, Газли ва Шўртан нефть-газ корхоналарида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қурилмалари, Тошкент металлургия заводи каби йирик қувватлар ишга туширилди.

\*\*\*



Биргина энергетика соҳасида хорижий инвесторлар билан давлат-хусусий шериклик асосида 6 та янги электр станциясини барпо этиш ишлари бошланди. Уларнинг умумий қиймати 2 миллиард доллар бўлиб, 2 минг 700 мегаватт қувватга эга.

\*\*\*

Тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш бўйича кўплаб имтиёз ва енгилликлар берилди. Тадбиркорлик субъектларига 100 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп кредитлар ажратилди.

\*\*\*

2020 йил аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида туб бурилиш йили бўлди.


\*\*\*

Аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик мавжудлигини биринчи марта тан олиб, уни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишларни бошладик.

\*\*\*

Ўзбекистон “Очиқ маълумотларни кузатиш” халқаро индексида 125 поғонага кўтарилиб, 44-ўринни эгаллади.

\*\*\*



“Иқтисодий эркинлик” рейтингида ҳам мамлакатимизнинг 26 поғона кўтарилгани ислоҳотларимизнинг халқаро майдондаги яна бир эътирофи бўлди.

\*\*\*

Жаҳонда кечаётган мураккаб геосиёсий жараёнлар, коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистон очик ва прагматик ташқи сиёсатни фаол олиб бормоқда. Халқаро майдондаги қатъий саъй-ҳаракатларимиз натижасида юртимизнинг нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалмоқда.

\*\*\*

Мамлакатимиз тарихда биринчи марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди.

\*\*\*

Яқинда АҚШ давлат департаменти томонидан Ўзбекистон диний эркинлик соҳасидаги “махсус кузатувдаги давлатлар” рўйхатидан чиқарилгани ҳам кенг кўламли демократик ислоҳотларимизнинг эътирофидир.

\*\*\*





## Янги Ўзбекистон равнақи йўлида яшаш ва ишлаш – улкан масъулият ва шарафдир

2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига 30 йил тўлади. Бу тарихий санани сиз, азизлар ва бутун халқимиз билан биргаликда “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” деган эзгу ғоя асосида кенг байрам қиламиз.

\*\*\*

Ҳозирги вақтда дунёнинг бошқа минтақаларида кузатилаётган “пандемиянинг навбатдаги тўлқини” ва у билан боғлиқ хавф-хатарлар ҳаммамизни янада хушёр ва огоҳ бўлишга ундамоқда.

\*\*\*

Буюк аждодимиз Имом Мотуридий ҳазратларининг “Тириклик ҳикматини соғлиқда, деб билгин” деган чуқур маъноли сўзлари нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи бугун қайта-қайта исботламоқда.

\*\*\*

Мавжуд имконият ва салоҳиятимиз, пандемия даврида орттирган тажрибамиз ҳамда хориждаги илғор ютуқлардан фойдаланиб, аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш борасидаги туб ислоҳотларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур. Бунда аҳоли, айниқса, ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш – энг устувор йўналишлардан бири бўлиши лозим.

\*\*\*

## Янги Ўзбекистонни азму шижоатли ёшларимиз билан биргаликда барпо этамиз

Биз ислохотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва хунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз.

\*\*\*

Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак.

\*\*\*

Таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

\*\*\*

“Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади” деган ғоя асосида кенг кўламли ислохотларни амалга оширамиз.

Ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўямиз, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улгайиши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этамиз.

\*\*\*

Ёшларни замонавий билим ва тажриба, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз.

\*\*\*

Ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз.

\*\*\*

Бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган, яхлит ва узлуксиз тизим яратилади.

\*\*\*

Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш учун сарфланган сармоя жамиятга ўн, юз баробар кўп фойда келтиради.




Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино бундан минг йил олдин “Довюррак ва ботир инсонлар келажакда содир бўладиган қийинчиликлардан кўркмайди”, деб бежиз айтмаган.

\*\*\*

Агар катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштира олсак, кўзлаган марраларга албатта етамиз.

\*\*\*



## 2021 йилдаги долзарб вазифалар

2021 йилга мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб ном бердик.

\*\*\*

Мақтабгача таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги стратегик мақсадимиз – боғча ёшидаги ҳар бир болани ушбу таълим йўналиши билан тўлиқ қамраб олиш учун зарур шароитларни яратишдан иборат.

\*\*\*

2021 йили 30 та янги мактаб қуриш, 320 та мактабни таъмирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан 2 триллион сўм ажратилади.

\*\*\*

Таълим сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, аввало, ўқув дастурлари, ўқитувчи ва домлалар учун методик қўлланмаларни илғор халқаро мезонларга мослаштириш лозим.

\*\*\*

Болаларнинг таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун уларга сермазмун ва тушунарли дарсликлар яратиш зарур.



Умумтаълим мактабларидаги таълим сифати пойтахтда ҳам, олис қишлоқларда ҳам юқори бўлиши шарт.

\*\*\*

Худудларда хусусий мактаблар фаолиятини рағбатлантириш учун бюджетдан субсидиялар ажратилади.

\*\*\*

Ёшларнинг иқтидорини ва салоҳиятини тўғри йўналтиришга қаратилган узлуксиз тизим яратилади.

\*\*\*

Жамиятда ўқитувчи касби энг нуфузли ва обрўли касб бўлиши лозим.

\*\*\*

Олий таълимнинг қамрови ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

\*\*\*

Олий ўқув юртларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сонини 2 баробарга кўпайтириб, 2 мингтага етказамиз. Аъло баҳоларга ўқиётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар учун махсус стипендиялар жорий этилади.

\*\*\*



Мамлакат тараққиётининг замини, ҳеч шубҳасиз, илм-фан ва инновациялардир.

\*\*\*

Буюк мутафаккир шоиримиз Мир Алишер Навоий ўз даврида ёшларга мурожаат қилиб, “Қуёшлиқ истасанг, касби камол эт”, деб ёзганлар. Чиндан ҳам, одамларга қуёшдек беминнат нур таратишни, яхшилик қилишни истайдиган инсон камолотга интилиб, турли илм ва касб-ҳунарларни ўзлаштириши лозим.

\*\*\*

Ёшлар ўртасида бандликни таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи эътиборимиз марказида бўлади.

\*\*\*

Эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари, чин етим, ногиронлиги бўлган ва даволанишга муҳтож болаларга алоҳида меҳр-муруват кўрсатиш бўйича янги тизим жорий этилади.

\*\*\*

2021 йилда ҳам коронавирус пандемиясига қарши курашни тизимли равишда давом эттириш – энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлади.

\*\*\*





Она ва бола соғлиғига эътибор – жамиятга, келажакка эътибордир.

\*\*\*

Тиббиётнинг бирламчи бўғинини кучайтириш, айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш зарур.

\*\*\*

Жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш – аҳоли саломатлигини таъминлашда муҳим омилдир.

\*\*\*

Халқимизнинг маданий-маърифий ҳаётини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

\*\*\*

Бой тарихимиз дурдонаси бўлган маданий меросимизни асраб-авайлаб, келажак авлодлар учун безавол етказишимиз зарур.

\*\*\*

## Иқтисодий ривожланиш ва фаровонлик сари

Камбағалликни қисқартириш борасида комплекс ёндашув ва ностандарт усулларни жорий этамиз.

\*\*\*

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш керак.

\*\*\*

Биз давлат активларини очиқ-ошкора ва самарали сотиш учун, халқаро молиявий ва ҳуқуқий маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда, қатор корхоналарни хусусийлаштиришга оид кенг қамровли ишларни бошладик.

\*\*\*

Товар ва молия бозорларида эркин рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда тадбиркорларга хомашё сотиб олиш учун тенг имкониятлар яратиш зарур.

\*\*\*

Макроиқтисодий барқарорлик – иқтисодий ислохотларнинг мустаҳкам пойдеворидир.

\*\*\*

Халқимиз хотиржам бўлиши керак: сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу борада кафолатланган захирани яратиш ва уларни бозорга узлуксиз етказиб бериш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратилади. Бунинг учун Ҳукумат ва ҳокимликлар томонидан барча чоралар қўрилади ҳамда бу масала Президентнинг доимий назоратида бўлади.

\*\*\*

2021 йили банклараро валюта бозори “онлайн платформа”га ўтказилади ва тадбиркорларга валютани бевосита банкнинг ўзидан сотиб олиш учун имконият яратилади. Натижада тадбиркорлар валютани ҳозиргидек 4 кунда эмас, ярим соатда сотиб олиши мумкин бўлади.


\*\*\*

Тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича янада қулай шароитлар яратилади.

\*\*\*

Ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш – барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим.

\*\*\*



Пандемия шароитида айланма маблағ танқислигига дуч келган тадбиркорларимиз оёққа туриб олишлари учун уларга кўмак беришни давом эттирамиз.

\*\*\*

Туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларига берилган имтиёзлар келгуси йил якунигача узайтирилади. Шунингдек, 20 мингта тадбиркорнинг 400 миллиард сўмлик ер ва мол-мулк солиғини тўлаш муддатини яна бир йилга узайтириш таклиф этилади.

\*\*\*

Камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу - қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин оширишдир.

\*\*\*

Бугунги кунда ишимиздаги энг катта камчилик - билим етишмаслиги, афсуски, барча соҳаларда сезилмоқда. Ҳолбуки, бирорта ҳудудни ҳам, тармоқни ҳам замонавий илм ва билимларсиз ривожлантириб бўлмайди.

\*\*\*



## Миллий юксалиш драйверлари

Бундан буён ҳар бир қишлоқ ёки маҳалла ўз йўналиши ва “ўсиш нуқталари”дан келиб чиқиб ривожлантирилади.

\*\*\*

Худудларнинг ривожланиши учун муҳим омиллардан бири бу – уларнинг ўртасида транспорт алоқасини таъминлашдир. Биз барча аҳоли пунктларидан пойтахтимизга, энг йирик шаҳарлар ва туристик марказларга тезда келиб-кетиш имкониятини берадиган, ўзаро боғланган транспорт тармоғини яратишимиз лозим.

\*\*\*

2021 йилда аҳолининг ижтимоий ҳимояси янада кучайтирилади.

\*\*\*

Янги экспорт бозорларига чиқиш Ҳукуматнинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади.

\*\*\*

Давлат бошқаруви идоралари фаолиятини тубдан такомиллаштириш талаб қилинади.

\*\*\*

Бошқарув идораларининг ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулият ва жавобгарлиги кучайтирилади.

\*\*\*

Маҳаллий ижро органлари, вакиллик идоралари ҳамда маҳалланинг институционал асосларини янада такомиллаштириш лозим.

\*\*\*

Маҳалла – жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони кўзгуси.

\*\*\*

Бундан буён маҳалладаги ишларнинг аҳволи вазирлик, идоралар ва ҳокимликлар ишини баҳолашда бош мезон бўлади.


\*\*\*

Коррупциянинг ҳар қандай кўринишига мурасасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шарт.

\*\*\*

Коррупцияга қарши курашишга барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши зарур.

\*\*\*



Коррупция ўта оғир жиноят экани ва унга нисбатан мурасасиз бўлиш ғоясини фарзандларимизга ёшлик давридан бошлаб сингдиришимиз, уларга фақат ҳалол меҳнат ва тадбиркорлик орқали даромад топишни ўргатишимиз лозим.

\*\*\*

Коррупциянинг олдини олишда барча давлат органларида қарор қабул қилиш жараёнлари очиқ ва фақат очиқ бўлишини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.


\*\*\*

Коррупцияга қарши курашишнинг самарали воситаларидан бири – кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг очиқ тизимини йўлга қўйишдан иборат. Ушбу тизим асосида кадрларни танлашда эски усуллардан воз кечиб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини, маънавий фазилатларини баҳолайдиган очиқ ва ошқора танлов тизими жорий этилади.

\*\*\*

Ислоҳотларимиз самарасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этиши учун қабул қилинаётган ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш лозим.

\*\*\*



## Ижтимоий соҳа равнақи

Давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш – ислоҳотларимизнинг энг устувор йўналишларидан биридир.

\*\*\*

Биз мамлакатимизда истиқомат қилаётган 17 миллиондан зиёд опа-сингилларимиз, қизларимиз, онахон ва момоларимизга муносиб шароит яратиб бериш учун барча имкониятларни ишга солишимиз лозим.

\*\*\*

Нуроний отахон ва онахонларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

\*\*\*

Эркин фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлашни давом эттирамиз.

\*\*\*

Ошкоралик ва сўз эркинлиги, бу – давр талаби, бу – Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг талаби.

\*\*\*





Бундан буён ҳар бир давлат органи ўз кундалик фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур ва шарт.

\*\*\*

---

Куч – адолатда

Адолат бу – давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворидир.

\*\*\*

Адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.

\*\*\*

“Бир суд – бир инстанция” тамойили суд қарорларининг адолатли, қонуний ва барқарорлигини таъминлашда бош мезон бўлиши лозим.

\*\*\*

Тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш соҳасида қийноқларнинг олдини олиш тизимини тубдан такомиллаштириш зарур.

\*\*\*

Дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар яқин-узоқ минтақаларда кузатилаётган зиддият ва тўқнашувлар шароитида биз юртимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларимизни янада жадаллаштиришимиз лозим.

\*\*\*



Қуролли Кучларимиз қудратини, қўшинларнинг профессионал ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратамиз.


\*\*\*

Ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлган Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

\*\*\*

Асосий хорижий шерикларимиз ҳисобланган Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа давлатлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтираемиз.

\*\*\*



## Тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик уфқлари

Биз қўшни Афғонистон заминида тинчлик ўрнатилишига қатъий ишонамиз ва бу эзгу йўлда амалий ёрдамни бундан кейин ҳам аямаймиз.

\*\*\*

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмалар билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш масалалари доимо эътиборимиз марказида бўлади.

\*\*\*

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш, сўз ва диний эътиқод эркинлиги бўйича эришаётган ютуқларимизни тегишли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда изчил мустаҳкамлаб борамиз.

\*\*\*

Жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларимизни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқамиз.

\*\*\*



Ўзбекистонда 30 июлни “Халқлар дўстлиги куни” деб белгилашни таклиф этаман.

\*\*\*

Минтақамизда, бутун дунёда экологик вазиятнинг тобора ёмонлашиб бораётгани бизни жиддий ташвишга солади.


\*\*\*

Қўшни давлатлар ва жаҳон жамоатчилиги билан биргаликда Орол денгизи ҳалокати оқибатида юзага келган экологик фожиалар таъсирини юмшатишга қаратилган ҳаракатларни қатъий давом эттирамиз.

\*\*\*

Эришган натижаларимизга маҳлиё бўлмасдан, жаҳондаги вазиятга сергаклик билан қараб, барчамиз – ким бўлишимиз, қайси вазифада ишлашимиздан қатъи назар, мамлакатимизнинг миллий манфаатларини таъминлаш ҳақида жиддий ўйлашимиз зарур.

\*\*\*



## Бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас

Бугунги мураккаб шароитда юртимизда бошланган кенг қамровли ислоҳотлар, янги Ўзбекистонни барпо этиш сари ташлаётган дадил қадамларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш энг асосий вазифамиз бўлиши шарт.

\*\*\*

Ўз олдимизга қўйган марраларга эришиш учун бизда табиий ресурслар ҳам, куч ва имкониятлар ҳам, салоҳият ҳам старли.

\*\*\*

Биз **“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!”** деган ягона мақсад атрофида бирлашиб, масъулият ва жавобгарликни чуқур хис этган ҳолда, фидокорона меҳнат қилиб, ўз орзу-мақсадларимизга, иншооллоҳ, эришамиз.

\*\*\*

Ҳаёт олдимизга яна қанча синов ва муаммоларни қўйиши мумкин ва биз ҳар қандай ҳолатга тайёр туришимиз зарур. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, демократик ислоҳотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз.

\*\*\*



Олдинга, фақат олдинга қараб борамиз. Ва биз бунга ҳар томонлама қодирмиз. Чунки бугунги халқимиз – кечаги халқ эмас. Бугунги Ўзбекистон ҳам – кечаги Ўзбекистон эмас.

\*\*\*

Эл-юртимиз ҳозирги оғир шароитда барча синов ва қийинчиликлардан янада кучли ва иродали бўлиб чиқмоқда. Ўзининг ҳаёти ва тақдири, келажаги Ватанимизнинг тақдири ва келажаги билан чамбарчас боғлиқ эканини чуқур ҳис этмоқда.

\*\*\*

Ҳеч шубҳасиз, ўз кучимиз ва имкониятларимизга бўлган ишонч бизни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу мақсад йўлида бирлаштириб, янада кучли ва мустаҳкам қилмоқда. Бу интилишлар улкан амалий ишларга айланиб, буюк халқ ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. Бундай қудратли сафда бўлишнинг ўзи катта бахт, катта шарафдир.

\*\*\*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ  
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ  
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ФОРУМИДА  
СЎЗЛАГАН НУТКИДАН  
ИҚТИБОСЛАР**





## Ёшлар – Ўзбекистоннинг бебаҳо хазинаси

Мен ҳар гал ёшларимиз билан учрашганимда, уларнинг гайрат-шижоатидан куч-қувват оламан, кўнглим тоғдай кўтарилади.

\*\*\*

Ёшлар – Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси.

\*\*\*


Биз юртимизда қандай ислохотларга қўлурмайлик, аввало, сиз каби ёшларга, сизларнинг куч-гайратингиз ва азму шижоатингизга суянамиз.

\*\*\*

Биз бугун ўз олдимизга улкан марраларни қўйганмиз. Она Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга киришдик.

\*\*\*

Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари, деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли ушбу соҳаларда туб ислохотларни изчил амалга оширмоқдамиз.



Мамлакатимиз тараққиётининг янги пойдеворини яратишда фидойи ва ватанпарвар ёшларимиз фаол иштирок этиб, муносиб ҳисса қўшадилар.

\*\*\*

Барчангизга аёнки, бугун дунё шиддат билан ўзгармоқда. Ҳар куни янги-янги муаммо ва вазифалар пайдо бўлмоқда. Айниқса, яқунланиб бораётган йилимиз инсоният учун жуда оғир ва синовли бўлди. Коронавирус пандемиясидан миллионлаб одамлар азият чекди. Шундай мураккаб даврда мард ва фидойи ёшларимизнинг олдинги сафларда турганига ҳаммамиз гувоҳ бўлдик.

\*\*\*

Эл бошига иш тушганда ёшларимиз, керак бўлса, азиз жонларини гаровга қўйиб, халқимиз дардига дармон бўлдилар. Дунёқараши кенг, жонкуяр, илғор фикрли фарзандларимиз кўплигини кўриб, ниҳоятда қувондим.

\*\*\*



## Тадбиркор – ёшларга мададкор

“Ёшлар: 1+1” дастури доирасида уюшмаган ва ишсиз ёшларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш ташкил этилади.

\*\*\*

“Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададкор” тамойили асосида 1 нафар тадбиркорга 1 нафардан ишсиз ёшларни бириктириш юзасидан хайрли ташаббус эълон қилинди.

\*\*\*

“Устоз-шогирд” анъанасини янада кучайтирсак, ўйлайманки, нур устига аъло нур бўлади.

\*\*\*

Энди, орттирган тажрибамиз асосида республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида ёшлар кичик саноат зоналари ташкил этилади. Ушбу саноат зоналарида ёшларнинг лойиҳаларини амалга оширишга қўмаклашиш учун зарур бўладиган барча инфратузилма объектлари жойлаштирилади.

\*\*\*

Ёшларнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун алоҳида жамғарма ташкил этилиб, ушбу жамғармага 100 миллион доллар маблағ ажратилади.

Албатта, бугун ўз тенгдошларига ибрат бўлаётган, жамиятдаги ўзгаришларда фаол иштирок этиб келаётган гайратли ёшлар жуда кўп.

\*\*\*

Ёшлар, айниқса, уларнинг уюшмаган қатлами билан масъуллар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатишга хизмат қилувчи “Ёшлар мурожаати” электрон платформасини яратиш керак бўлади.

\*\*\*

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури орқали ҳар бир вилоятга ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 100 миллиард сўмдан кредит маблағлари йўналтирилади.

\*\*\*

Ўқувчи 11-синфга ўтдимиз, у туман ёки шаҳар ҳокимлигининг бевосита назоратида бўлиши лозим. Агар бола олий ўқув юртига кира олмаса, маҳаллий раҳбарлар уни албатта иш билан таъминлаши шарт. Бунинг учун иш берувчилар ёш мутахассисни ўз жамоасига қабул қилишдан манфаатдор бўлиши керак.

\*\*\*

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш ҳам устувор вазифалардан ҳисобланади.



## Ёшлар учун барча имкониятлар ишга солинади

Сизлар замонавий илм-фан ва юқори технологияларни мукаммал эгаллашингиз учун барча куч ва имкониятларни ишга соляпмиз.

\*\*\*

Мен ҳудудларга борганимда, ёшлар билан учрашиб, уларни қийнаётган долзарб муаммоларни ўрганишга алоҳида вақт ажратаман.


\*\*\*

Дунёда глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги вазиятда барча соҳаларда юксак билимли кадрларни тайёрламасак, тараққиётдан ортда қолиб кетишимиз мумкин.

\*\*\*

Таълим тизимида туб ислоҳотларни амалга оширяпмиз. Соҳада мутлақо янги тизим – Президент ва ижод мактабларини, математика, химия, биология фанлари бўйича махсус мактабларни ташкил этяпмиз. Ёшларимизга “IT” технологияларни чуқур ўргатадиган таълим масканларининг сони кун сайин кўпайиб бормоқда.

\*\*\*



Биз бу ишларимизнинг илк меваларини кўра бошладик. Сўнги уч йилда мамлакатимиз ёшлари нуфузли халқаро танлов ва мусобақаларда беш ярим мингта совринли ўринни қўлга киритдилар.

\*\*\*

Тошкент шаҳридаги Президент мактаби ўқувчиси Фирдавс Абдуқаюмов IELTS дастури бўйича юқори балл тўллаб, АҚШнинг Жон Кэрролл университетидида таҳсил олиш учун 96 минг долларлик грант соҳибига айланди.

\*\*\*

Фирдавснинг издоши сифатида Тошкент шаҳридаги Президент мактабидан Темур Сулаймонов грант асосида, Намангандаги мактабдан Мироншоҳ Иномжонов ва Азимжон Алижонов ҳамда бошқа кўплаб ўқувчилар нуфузли хорижий илм даргоҳларига ўқишга кирганлар ва уларнинг сони кун сайин ошиб бормоқда.

\*\*\*

Биз бундай иқтидорли ёшларга ўз вақтида ҳар томонлама эътибор қаратиб, қўллаб-қувватласак, ўйлайманки, улар катта-катта зафарларни қўлга киритадилар.

\*\*\*

Ёшларимизнинг нуфузли хорижий олийгоҳларда таҳсил олиши учун ҳар томонлама кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратамиз.



Халқаро таълим дастурлари бўйича энг юқори балл тўплаган иқтидорли ёшларга имтиҳон топшириш харажатлари тўлиқ қоплаб берилади.

\*\*\*

Бугун умумхалқ ҳаракатига айланган беш муҳим ташаббусни амалга оширишда ёшларимиз фаол иштирок этаётгани бизни чексиз қувонтиради.

\*\*\*

Жойлардаги маданият марказлари, спорт залларини таъмирлаш ва жиҳозлаш, янгиларини қуриш ҳақида бугун жиддий бош қотиришимиз керак.


\*\*\*

Иқтидорли ёшлар туман ёки шаҳарнинг “олтин фонди”га айланади ва улар шу ҳудуднинг обрўсини юксалтиришга хизмат қилади.

\*\*\*

Ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимига 10-15 нафар истеъдодли ёшларни саралаб, уларни ҳар томонлама тарбиялаш ва мунтазам рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш вазифаси топширилади.

\*\*\*



Изланувчан йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ёшлар технопарклари” қурилишини давом эттирамыз.

\*\*\*

2021 йилдан бошлаб мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юртлири талабалари ўртасида “Бўлажак олим” танлови ташкил этилади. Бу орқали ёшларнинг энг яхши инновацион ҳамда стартап лойиҳаларига 50 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

\*\*\*

100 дан зиёд шаҳар ва туманларимизда “IT”ни чуқур ўргатадиган замонавий ўқув марказларини ташкил қиламыз.

\*\*\*


Ёшларимизга халқаро “IT” сертификатларини олиш харажатларининг 50 фоизгача бўлган қисми бюджетдан қоплаб берилади.

Яқин икки йилда “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 300 минг нафар ёшлар компьютер дастурлаш асосларига бепул ўқитилади.

\*\*\*

Ўрта мактабларда ҳамда олий таълим муассасаларида ёшларнинг иқтидор ва талантларини тўла рўёбга чиқариш учун тизимли ишларни йўлга қўйиш лозим. Бунда ёшлар етакчилари биринчи навбатда ташаббускор бўлишлари керак.





Ёшларимизнинг лидерлик қобилиятини кучайтириш, уларнинг фаоллигини ошириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш учун “Камалак юлдузлари”, “Йилнинг энг фаол ёшлар етакчиси”, “Йил сардори” каби кўрик-танловларни ўтказиш, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлади.

\*\*\*

Олий ўқув юртлари ўртасида Талабалар фестивали, Интеллектуал ўйинлар ҳафталиги, “Йил талабаси” сингари кўрик-танлов ва мусобақаларни ўтказиш уларнинг интеллектуал салоҳияти ва ташкилотчилик қобилиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

\*\*\*

Олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар ёшлар учун Президент гранти жорий этилади.

\*\*\*

Агар мавжуд Президент стипендияси фақат бир ўқув йили учун мўлжалланган бўлса, ушбу грант талаба ўқишни битиргунига қадар, яъни тўрт йил давомида тўлаб борилади.

\*\*\*

Республикамиздаги хорижий олий ўқув юртларининг бакалавриат босқичи талабалари учун ҳам Президент ва

давлат стипендиялари жорий этилади. Чунки бундай таълим масканларида таълим олаётган ёшлар ҳам ўзимизнинг фарзандларимиз.

\*\*\*

Илм йўлини танлаган иқтидорли ёшларимизни қўллаб-қувватлаш мақсадида кейинги йилдан бошлаб магистратура ва докторантура босқичлари учун Президент стипендияси квотасини икки баробарга оширамиз.

\*\*\*

Икки ва ундан ортиқ фарзанди олий ўқув юртида шартнома асосида ўқиётган оилаларга имтиёзли таълим кредити бериш тартиби ишлаб чиқилади. Бунда кредитни ўқиш даври тугаб, ёшларимиз ишга жойлашганидан сўнг қайтариш назарда тутилади.

\*\*\*

Ёшларимизга ҳазрат Алишер Навоий ижодини чуқур ўргатишни тизимли йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

\*\*\*

Алишер Навоий асарларининг бугунги ёшлар тушунадиган ихчам намуналарини яратиб, турли мобиль илова ва электрон дастурлар ишлаб чиқиш керак.

\*\*\*



## Янги Уйғониш даври китоб ва кутубхоналардан бошланади

Жаҳон тарихи шундан далолат берадики, ҳар қандай янги цивилизация, янги Уйғониш даври китоб ва кутубхоналардан бошланади. Биз ҳам янги Ренессанснинг илк қадами сифатида Тошкент шаҳрида замонавий, муҳташам кутубхона барпо этамиз. Бу даргоҳда юртимиз ва жаҳондаги энг нодир, ноёб ва бебаҳо асарлар жамланади.


\*\*\*

Буюк аждодимиз Муҳаммад Хоразмийнинг “Сўз – гул, иш – мева” деган ҳикматли сўzlари бор. Уйлайманки, бугун белгилаб оладиган режаларингиз қанчалик пишиқ-пухта бўлса, ишингиз ҳам шунчалик яхши самара беради.

\*\*\*

Сиз – Хоразмий, Фарғоний, Беруний ва Ибн Сино, Улуғбек, Навоий ва Бобур, Бухорий ва Термизийлар авлодисиз. Ана шундай буюк ватандошларимиз яратган бебаҳо билим ва кашфиётлар бугун ҳам инсониятга беқиёс хизмат қилмоқда.

\*\*\*



Қомусий олим Муҳаммад Хоразмий асос солган илм – “алгоритм”ни эшлашнинг ўзи кифоя. Бу улуг зотнинг улкан хизматларини бутун башарият ҳанузгача миннатдорлик билан эсламоқда. Унинг оламшумул кашфиётлари бугунги ахборот технологияларини яратишда ҳам мустаҳкам асос бўлмоқда.

\*\*\*

Улуг алломаларимиз ўзларининг оламшумул кашфиёт ва ихтироларини сизнинг ёшингизда – айна кучга тўлган навқирон чоғларида амалга оширганлар. Сиз ҳам буюк аждодлардан ибрат олиб, ҳаётда мўъжизалар яратишга астойдил интилишингиз керак.

\*\*\*

Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, сизларга айтадиган маслаҳатим шу: илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор ўтмасин! Ёшлиқ – умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ва билим – ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг!

\*\*\*



## Соғлом турмуш – соғлом келажак пойдевори

Яқинда мамлакатимизнинг спорт ҳаётида қувончли янгилик бўлди. Осиё Олимпия кенгашининг қарорига кўра, 2025 йилда Ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинларига Тошкент шаҳри мезбонлик қилиши белгиланди.

\*\*\*


Халқаро спорт ўйинларининг Ўзбекистонда биринчи марта ўтказилиши барчамизга фахр-ифтихор бағишлайди. Шу билан бирга, у бизга ғоят катта масъулият ҳам юклайди. Бу сизлар каби навқирон ва азамат ёшларнинг ўз куч ва маҳоратини кўрсатиб, Ватанимиз байроғини юксақларга кўтаришлари учун яна бир зўр имкониятдир.

\*\*\*

Осиё ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича туман, шаҳар, вилоят ва республика чемпионатлари, “Ҳоким кубоги” мусобақаларини ташкил этиш керак.

\*\*\*

Юртимизда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий етук бўлиб улғайиши, жумладан, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, оммавий спортга кенг жалб этиш мақсадида “Соғлом турмуш тарзи” электрон платформаси ишлаб чиқилмоқда. Худудларда пиёда ва велосипедда юришга мўлжалланган “Саломатлик йўлаклари” барпо этилмоқда.



Кейинги йилларда маҳаллаларда ташкил этилган спорт майдончалари ёшларнинг севимли масканига айланди. Бу ишларни янада ривожлантираемиз.

\*\*\*

2021 йилдан бошлаб ёшлар ўртасида ҳар йили “Жисмоний тайёргарлик даражаси” спорт синовларини ўтказиш тизими йўлга қўйилади. Ушбу синов талабларини бажарганларга спорт разрядлари берилади, уларнинг муддатли ҳарбий хизматга бориши ва “Темурбеклар мактаби”га киришида имтиёзлар жорий этилади.

\*\*\*

“Ватанпарвар” ташкилотининг аввалги нуфузини тиклашимиз зарур.

\*\*\*

Шаҳар ва туман ҳокимлари, сектор раҳбарларига ҳар бир ҳудуд ва соҳа кесимида “Ватанпарвар” ташкилоти базасида ёшларни меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган касбларга ўқитиш вазифаси топширилади.

\*\*\*



## Тарбия билан бугун шуғулланмасак, эртага кеч бўлади

Ёшлар маънавияти билан боғлиқ айрим муаммолар жаҳоннинг кўплаб минтақаларида ҳамон сақланиб қолмоқда.

\*\*\*

Ҳозирги кунда бутун дунёда терроризм, экстремизм ва бошқа таҳдидлар Интернет маконига кириб, мослашиб олган. Шунинг учун уларга қарши курашиш осон кечмаяпти.

\*\*\*


Халқимиз азалдан оилани муқаддас билиб, уни доимо асраб-авайлаб келади. Оила қанчалик мустақкам бўлса, жамият ҳам шунчалик барқарор бўлади.

\*\*\*

Бир нарсани унутмаслигимиз лозим: хонадонларимиздаги тинчлик-тотувлик, аввало, оиладаги соғлом муҳит, мустақил ҳаёт остонасида турган қизларимизни оилавий турмушга тайёрлаш билан бевосита боғлиқ.

\*\*\*

Оилавий низоларнинг олдини олиш, ажримларни камай-тириш борасида сиз, азиз ёшларимиз ҳам ташаббус ва фаоллик кўрсатсангиз, мен барчангиздан чексиз миннатдор бўлар эдим.



Сизлар – мустақиллик фарзандларисиз. Ота-боболарингиз кўрган тўсиқ ва қийинчиликларни кўрмасдан, озод Ватанда эркин нафас олиб вояга етаяпсизлар.

\*\*\*

Юксак мақсадлар йўлида сиз – ёшлар ҳал қилувчи куч бўлишингиз керак. Мен сизларнинг зиммангизга юкланган ана шундай улкан масъулиятни, том маънодаги тарихий вазифани шараф билан адо этишингизга қатъий ишонаман.

\*\*\*

Баъзи ёшларимизда Интернетдан тўғри фойдаланиш кўникмаси ва маданияти етарли эмас. Айрим йигит-қизлар Интернетни ахборот, билим ва маърифат манбаи деб эмас, балки шунчаки кўнгилочар восита деб билишади.


\*\*\*

Мафкуравий кураш шароитида ёшларимиз сезгир ва огоҳ бўлиши, ҳар бир масалада, аввало, Ватан манфаатини ўйлаб иш тутиши зарур.

\*\*\*

Илм-маърифат ва касб-ҳунарга интилиш, оилани муқаддас билиш, маънавий поклик, катталарга – ҳурмат, кичикларга – шафқат, эзгу кадриятларга – садоқат каби фазилатлар азалдан халқимиз ва миллатимизнинг қонида бўлиб келган. Биз мана шундай бебаҳо меросимизни





нафақат асрашимиз, балки уни янада бойитишимиз, келгуси авлодларга безавол етказишимиз керак.

\*\*\*

Кенг жамоатчилигимизни ёшлар тарбиясига қаратилган ишларимизни янада кучайтиришга даъват этаман.

\*\*\*

Қанчалик қийин бўлмасин, биз ёшлар тарбияси бўйича ўзимизга хос ва таъсирчан, бугунги кунга ҳамоҳанг усулларни излаб топишимиз керак.

\*\*\*

Жондан азиз фарзандларимизни бузгунчи ва зарарли ғоялар, жиноятчилик, гиёҳвандлик, лоқайдлик, маънавий қашшоқлик, истеъмолчилик кайфиятидан асрашимиз зарур. Бундай салбий ҳолатларни бартараф этишда барчамиз, аввало, сиз, азиз ёшлар фаол бўлишингиз керак.

\*\*\*

Халқимизнинг маънавий қудрати ва боқий қадриятларини асраб-авайлаш ва бутун дунёга тараннум этишга сизлар албатта қодирсиз.

\*\*\*

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини тўлақонли рўёбга чиқариш учун бундан кейин ҳам барча ресурс ва имкониятларни кенг сафарбар этамиз. Биз учун бу борада майда масаланинг ўзи йўқ.

\*\*\*

Ёшлар билан ишлаш Президентдан тортиб вазиргача, ҳокимдан тортиб маҳалла раисигача – ҳаммамизнинг энг асосий ишимизга айланиши зарур.

\*\*\*

Бундан буён барча даражадаги раҳбарлар фаолиятига ёшлар билан ишлаш, уларнинг муаммоларини бартараф этиш юзасидан амалга оширган ишларига қараб баҳо берилади.


\*\*\*

Ёшлар тарбияси билан, уларнинг муаммоларини ечиш билан бугун шуғуланмасак, эртага кеч бўлади. Бу, аввало, ёш авлодимизга нисбатан хиёнат бўлади.

\*\*\*

Ҳар қайси ҳоким, ҳар бир вазир, ҳар қайси маҳалла раиси: “Бугун мен ёшлар учун нима иш қилдим? Эртага ёшлар манфаати учун яна нималар қилишим керак?” деган саволларга жавоб берадиган, шундай эътиқод билан яшайдиган вақт келди.

\*\*\*



Ёш авлодимиз ҳаётини яхшилаш, уларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш ҳақида бош қотирмайдиган, бу масалага бепарво бўлган раҳбарларнинг биз билан елкадош ва сафдош бўлишга ҳаққи йўқ.

\*\*\*

Халқимиз, Ватанимиз сизлардан буюк ишларни кутаётганини ҳеч қачон ёдингиздан чиқарманг. Юртнинг юксак ишончи ва умидини тўла оқлаш, унга муносиб бўлиш – дунёдаги энг улуғ бахтдир. Шундай шараф барчангизга насиб этсин!

\*\*\*

Эш аниқлиги ва ҳақиқати ахиринги, уларнинг орқу-  
ниги ва шайлиги, буларнинг ҳақиқати ва шайлиги.  
Бу масъуляти билади ва билади ва билади ва билади  
ва сифоли буларни дақиқ йўли.

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг  
Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда Ўзбекистон ёшлари  
форумида сўзлаган нутқидан иқтибослар)*

Халқимизнинг ҳар қачон едавиқидан шайлиги, Юртимиз  
кўксиз ишончи ва умиди ва ҳақиқати, унга мурожаат билади  
дунёдаги энг улуғ бахтир. Шундай шайлиги бахтир ва ҳақиқати  
этишти!

“NASHRIYOT UYI TASVIR”

Нашриёт лицензияси АИ №292, 23.02.2017.

Босишга 2021 йил 15 январ рухсат этилди.

Бичими 60×90 1/16. Сормогант гарнитурасида.

Офсет усулида босилди.

Шартли босма табағи 3,25.

Адади 5000 нусха.

Буюртма 131.



**COLORPACK**

время ярких решений

